

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДА
ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТҮҒРИСИДА**

Республика ўкув юртларига абитуриентларни тест усулида танлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини таъминлаш мақсадида ва олий ўкув юртлари абитуриентларини тест синовидан ўтказишнинг ижобий тажрибасини эътиборга олиб Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1994 йилдан бошлаб олий ўкув юртлари билан бир қаторда барча турдаги ўрта маҳсус ўкув юртларига абитуриентларни бўлимларига баҳо беришининг тест усулини кўллаган ҳолда танлаш амалиётга жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, тест синовлари натижалари бўйича абитуриентлар танлаш 1994 йилда **1-иловага** мувофиқ айрим ўрта маҳсус ўкув юртлари учун, 1995 йилдан бошлаб эса — идоравий бўйсунишидан қатъи, назар барча ўрта маҳсус ўкув юртлари учун мажбурий ҳисобланади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 475-сонли қарори билан ўз кучини йўқотган)

Олдинги таҳрирга қаранг.

(3-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июлдаги 293-сонли қарори билан ўз кучини йўқотган.— ЎР ҚХТ, 2004 й., 25-сон, 289-модда)

4. Олий ўкув юртларининг кундузги бўлимларига абитуриентлар танлаш бўйича Республика маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига айлантирилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Давлат тест маркази молия ва мулк масалаларида олий ўкув юртларининг кундузги бўлимларига абитуриентлар танлаш бўйича Республика марказининг хуқуқий вориси ҳисобланади.

Олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларида тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш Давлат тест маркази зиммасига юклансин.

Халқ таълими вазирлиги ҳар йили тест синови натижаларини таҳлил қилиш асосида таълим сифатини яхшилашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар кўрсинг.

Олдинги таҳрирга қаранг.

(5-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июлдаги 293-сонли қарори билан ўз кучини йўқотган.— ЎР ҚХТ, 2004 й., 25-сон, 289-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

(6-банднинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июлдаги 293-сонли қарори билан ўз кучини йўқотган.— ЎР ҚХТ, 2004 й., 25-сон, 289-модда)

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ходимларининг сони 47 нафарга кўпайғанлиги билан боғлик бўлган харажатларни қоплашга қўшимча маблағ ажратсан.

Давлат тест марказининг директори лавозими мақоми бўйича вазирнинг биринчи ўринbosари лавозимига тенглаштирилсин, унга тиббий, транспорт ва майший хизмат кўрсатиш бўйича имтиёзлар татбиқ этилсин.

Олдинги таҳрирга қаранг.

(3-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июлдаги 293-сонли қарори билан ўз кучини йўқотган.— ЎР ҚХТ, 2004 й., 25-сон, 289-модда)

8 Бир ой муддатда Давлат тест марказига тест материаллари ва ўкув-услубий кўлланмалар чиқаришга лицензия расмийлаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Давлат тест марказини турлари бўйича ва зарур микдордаги қоғоз билан давлат буюртмаси сифатида таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Давлат тест марказига хукумат АТСининг 2 та телефони ўрнатилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси 1994 йилдан бошлаб тест синовининг истиқболли технологияларини ишлаб чиқиш бўйича танлов асосида илмий-тадқиқот ишларини маблағ билан таъминлашни назарда тутсин.

11. Давлат тест марказига 1994 йилдан бошлаб тест синовларини ўтказишига сарфланадиган харажатларни қисман қоплаш учун олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида тест синовлари ўтказганлик учун ҳақ белгилашга рухсат берилсин.

Давлат тест маркази Молия вазирлиги билан биргалиқда олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида тест синовлари ўтказганлик учун ҳақ тўлаш нормативларини ишлаб чиқсин ҳамда индексациялашни назарда тутган ҳолда уларни белгиланган тартибда тасдиқласин.

Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар, идоралар абитуриентлар ва талабаларни тест синовидан ўтказиш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш учун зарур маблағларни назарда тутсинлар.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, олий ўқув юртлари ректорлари ва ўрта маҳсус ўқув юртлари директорлари жой ажратиш, майший, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш билан боғлиқ бўлган зарур шартшароитлар яратилишини таъминласинлар.

13. Молия вазирлиги абитуриентлар танлаш бўйича Республика маркази учун назарда тутилган хизмат енгил автомобилларини ижарага олиш лимитини Давлат тест марказига берсин ҳамда тест синовларини ўтказиш ва Давлат тест маркази харажатлари учун зарур маблағлар ажратсин.

14. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази қуидаги манзилга жойлаштирилсин: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 22а-уй. Тошкент шаҳар ҳокими бир ой муддатда қайд этиб ўтилган манзилдаги Тошкент ресторонлар трести томонидан ижарага олинган бинонинг бир қисмини Давлат тест марказига бериш масаласини ҳал этсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига қабул қилиш бўйича экспериментни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида» 1992 йил 9 апрелдаги 181-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринbosари М. Қ. Қорабоев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ
Тошкент ш.,
1994 йил 14 май,
258-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил
14 майдаги 258-сон қарорига
1-ИЛОВА

1994 йилда ўрта маҳсус ўқув юртларига қабул тест синовлари асосида амалга ошириладиган ўрта маҳсус ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар РЎЙХАТИ

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

Молия вазирлиги

Адлия вазирлиги

Марказий банк

Ўзбекбирлашув

Ижтимоий таъминот вазирлиги

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил
14 майдаги 258-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларига ўқувчилар қабул қилиш бўйича Давлат идораларо комиссияси тўғрисида НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларига ўқувчилар қабул қилиш бўйича Давлат идораларо комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) абитуриентлар билимини аттестациядан ўтказиш, уларни республика олий ўқув юртлари ва ўрта маҳсус ўқув юртларига қабул қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича идораларо орган ҳисобланади.

2. Комиссиянинг таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

3. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

жамиятнинг ақл-заковат имкониятларини кучайтириш ва ижтимоий адолат принципларини рўёбга чиқариш учун зарур шароитлар яратиш;

ёшларни олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларига ўқишига танлашда холислик ва ишонччиликни таъминлаш;

абитуриентлар билимини аттестациядан ўтказишида тест синовларини такомиллаштиришга доир таклифларни ва услубий тавсияларни ишлаб чиқиш;

олий ва ўрта маҳсус таълимнинг ҳар бир йўналиши бўйича тест синови ўтказиладиган фанлар рўйхатини ва баҳолаш мезонларини белгилаш;

олий ва ўрта маҳсус таълимнинг тест синовига кўшимча равишда кўп балли тизим бўйича ижодий имтиҳонлар ўтказиладиган йўналишлари рўйхатини белгилаш;

касб таълим мининг тегишли йўналишлари бўйича ижодий имтиҳонлар дастурлари ва баҳолаш мезонларини тасдиқлаш;

тест синови натижаларини яқунлаш, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари ўқувчиларини абитуриентларнинг билим даражасини, касб таълим мининг танланган йўналишига қобилиятлари ва майлларини ҳисобга оловчи ягона мезонлар бўйича танлаш ва шакллантиришни амалга ошириш;

Олдинги таҳтирга қаранг.

(3-банднинг тўққизинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июлдаги 293-сонли қарори билан ўз кучини ийғотган.— ЎР ҚҲТ, 2004 й., 25-сон, 289-модда)

4. Комиссия ўз олдига кўйилган вазифаларни амалга ошириш, зарур материаллар тайёрлаш учун ваколатли ишчи гурух тузади. Ишчи гурух таркиби Комиссиянинг қарори билан тасдиқланади.

II. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ТАЛАБАЛИККА ЎТКАЗИШ

1. Республика олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларига ўқувчилар қабул қилиш Комиссия томонидан касб таълим мининг ҳар бир йўналиши бўйича тасдиқланган қабул режаси ҳисобга олинган ҳолда абитуриентлар аттестация синовларида олган якуний баллар бўйича амалга оширилади.

2. Олий ўқув юртлари ва ўрта маҳсус ўқув юртларига қабул қилиш Комиссиянинг қарори асосида амалга оширилади.

3. Ўқувчи олий ёки ўрта маҳсус ўқув юртига фақат бир дастур (таълим йўналиши) бўйича қабул қилиниши мумкин.

4. Олий ўқув юртлари ва ўрта маҳсус ўқув юртлари Комиссиянинг қарори ва республика олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларига ўқувчилар қабул қилиш Қоидалари асосида ўқувчиларни тегишли ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарадилар.

Олдинги таҳтирга қаранг.

(4-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июлдаги 293-сонли қарори билан ўз кучини ийғотган.— ЎР ҚҲТ, 2004 й., 25-сон, 289-модда)

Олдинги таҳтирга қаранг.

(5-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июлдаги 293-сонли қарори билан ўз кучини ийғотган.— ЎР ҚҲТ, 2004 й., 25-сон, 289-модда)